

## ТАРБИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДАГИ ЎРНИ

*Шукуров Хурсан Гадойевич, Норова Игтизор Ҳақбердиевна  
математика фани ўқитувчилари, БухМТИ академик лицейи*

**Аннотация:** Бугунги таълим-тарбия ислоҳоти бўлажак мутахассислар-ни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг билим, кўникма ва малакаларини замонавий талабларга мос шакллантириш муаммосини долзарб қилиб қўйди. Мазкур мақолада педагогик фаолиятда тарбия технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва долзарблигига очиб берилган.

**Калит сўзлар:** педагогик фаолият, таълим-тарбия, мутахассис, билим, кўникма, малака, тарбия технологияси, замонавий талаб.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 4.4-бандида белгилаб қўйилган “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”[1] устувор вазифалар сифатида белгилаб қўйилган. Шунингдек, замонавий талаблар таълим жараёнини яхлит тизими сифатида модернизациялаш ҳамда таълимда инновацион фаолиятни ташкил этиш заруриятини кўрсатмоқда. Бизга яхши маълумки, тарбия жараёни узок муддатли, мураккаб, узлуксиз бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эга. Гарчи замонавий таълим технологияси ўқувчининг таълим жараёнидаги етакчилик ролини ёқлаётган бўлсада, тарбия жараёнида тарбияланувчи асосий мавқеини эгаллай олмайди. Чунки унда характер, дунёқараш етарлича шаклланмаган бўлиб, у бу борада тарбиячининг ёрдамига эҳтиёж сезади шу боис тарбия технологияси мантиқий, ҳам таркибий жиҳатдан таълим технологиясидан фарқ қилади. Тарбия технологияси асосида тарбиявий жараён ётади. Ўқитувчилар талабалар фаолиятини ташкил этувчилар бўлиб, улар томонидан эришиладиган натижаларни режалаштириш ва унга эришиш усуллари, бу усулларни моделлаштириш ишлаб чиқарилган режа ва моделларни рўёбга чиқариш, бу режаларни амалга оширувчи шахснинг фаолияти ва ахлоқини бошқариш кабилар ҳисобланади [2]. Тарбия – тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар билан ва тарбияга эга бўлган кишилар тарбияланувчилар билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо

тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатмасалар тажриба ва билим ўргана олмайдилар. Ўқитувчилар ўзларининг инновацион фаолиятларида қуйидаги тарбия вазифаларини бажаришлари лозим:

1. Ўз ватанини фуқаросини тарбиялаш. Бунда ўқитувчи миллий ватанпарварлик, ўз ватанига, тарихига, маданиятига ифтихор туйғуси; миллатлараро маданий муносабатлар, сиёсий маданият назарда тутилади.

2. Шахсининг маънавиятини шакллантириш. Маънавият кишининг ички дунёси бўлиб, унингжамият ва табиатдаги “Мен” и, образи, тақдири ва ролини ифода этади. Маънавият даражаси бу, маълум маънода, инсонийлик мезонидир. Маънавиятни шакллантириш бу унинг шахсий ҳаракатлари, интилишлари, рефлексияси билан кишининг ички дунёсини вужудга келтиришдир.

3. Талабанинг иқтисодий тафаккурини тарбиялаш меҳнатга, касбга ҳурмат ва ижтимоий-психологик жиҳатдан ёшларда мустақиллик, ижод, ишчанлик, фаоллик, юқори касбий тайёргарлик сифатларини кучайтириш зарур.

4. Руҳий - жисмоний соғломликни тарбиялаш. Бу ахлоқий – ҳаётий мувозанат ва психологик қулайлик ҳолатини ушлаб туриш ҳамда жисмоний ривожланиш меъёридан узоқлашиб кетишга йўл қўймаслик кўникмаларини шакллантиришдир.

5. Кишининг табиат билан муносабатини уйғунлаштириш. Талабанинг табиат билан муносабатини уйғунлаштириш конкрет ҳудудий ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда ўлкашунослик ва табиатшунослик бўйича амалий фаолиятни кучайтириш ва кенгайтиришни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, тарбияланувчиларга нафақат экологик хавфсизлик қоидаларин англаб етиш балки, табиатни қўриқлаш ишида шахсан қатнашиш зарурлигига ишонч ҳосил қилиш имконини ҳам беради.

6. Шахсда индивидуаллик ва жамоавийликни тарбиялаш. Талаба жамоада шаклланади, тарбияланади. Шу жараёни ташкил қилиш ўқитувчининг асосий вазифаси саналади. Педагогнинг инновацион фаолияти тарбия жараёнининг мазмунидан келиб чиқади. Тарбия жараёнининг мазмуни - бу билимлар, эътиқодлар, кўникмалар, сифатлар, шахс қиёфаси, ахлоқнинг барқарор одатлари системаси бўлиб, тарбияланувчилар қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ уларни эгаллаб олишлари зарурдир. Педагогнинг инновацион фаолиятида етакчи функциялардан бири тарбияланувчилар фаолиятининг дарсдан ташқари тизимини лойиҳалаш ҳисобланади. Дарсдан ташқари фаолият тизими ўқитишнинг назарий ва амалий тизимини тўлдиради. Унинг асосий вазифаси ўқитишдан ташқари вақтини ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий фаолиятини меҳнат билан шуғилланиш учун оқилна тақсимлашга ёрдам беришдир [3]. Тарбия жараёнининг моҳияти, қонуниятлари ва ўзига хос жиҳатлари хусусидаги

мавжуд назарий ва амалий ғояларга педагогик билимларга таянган ҳолда тарбия технологиясининг таркибий қисмларини қуйидагича белгилади:

1. Тарбия жараёнини умумий лойиҳаси;
2. Тарбияни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж (буюрма);
3. Тарбия мақсади.
4. Тарбия мазмуни (шакл, метод, усул ва техник воситалар);
5. Ўқитувчи (тарбиячи) фаолияти;
6. Талаба (тарбияланувчи фаолияти);
7. Тарбия самараси (натижа).

Тарбия назарияси – педагогиканинг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараёни мазмуни, усули ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади. Ҳаётга янгилик сийсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндошиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараёни ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларни аниқ бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан ҳамкорликда қиладиган муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади. Бугунги кунда шунчаки билим эгаси бўлган инсонни эмас, балки ижодкор, ўз истеъдоди билан ажралиб турувчи ишбилармон инсонни тарбиялаш замон тақозосидир [4]. Ўқув юртларида тарбиявий жараёни ташкил қилиш асосига илғор миллий, маънавий ахлоқий қадриятлар ва мезонлар, халқ педагогикаси, маросимлар, байрамлар, ўйинлар ва бошқалар қўйилиши керак. Шу билан бирга тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик ҳислатлари шаклланади, жисмоний куч қувватлари мустаҳкамланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаати. //Ватанпарвар//, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
3. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-январдаги 2020 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси” Янги Ўзбекистон” газетаси, 2020-йил ,25-январь